

2020

## THE ARCHITECTURAL EPIGRAPHY OF NAQSHBANDI-MUJADDIDI TARIQAH IN CENTRAL ASIA IN THE XVIII-XIX CENTURIES

Mekhrojiddin Amonov

*fellow scientist of the Imam Bukhari International scientific research center, mirzomerojiddin@gmail.com*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Asian History Commons](#), and the [Islamic Studies Commons](#)

---

### Recommended Citation

Amonov, Mekhrojiddin (2020) "THE ARCHITECTURAL EPIGRAPHY OF NAQSHBANDI-MUJADDIDI TARIQAH IN CENTRAL ASIA IN THE XVIII-XIX CENTURIES," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 9. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss4/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

**XVIII-XIX АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ  
ОСИЁ НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ  
ТАРИҚАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МЕЪМОРИЙ  
ВА ЭПИГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР**

**АРХИТЕКТУРНЫЕ И ЭПИГРАФИЧЕСКИЕ  
ПАМЯТНИКИ НАКШБАНДИЯ-  
МУЖАДДИДИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ  
XVIII-XIX ВЕКОВ**

**THE ARCHITECTURAL EPIGRAPHY OF  
NAQSHBANDI-MUJADDIDI TARIQAH  
IN CENTRAL ASIA IN THE XVIII-XIX  
CENTURIES**

**Mekhrojiddin UZBEKOVICH AMONOV,**  
*fellow scientist of the Imam Bukhari International  
scientific research center,  
E-mail: mirzomerojiddin@gmail.com.  
141306. Khodja Ismail town of Pavariq district.  
Samarkand, Uzbekistan*

**Аннотация:** Мақолада XVIII-XIX асрларда Марказий Осиё нақшбандия-мужаддидия тариқати тарихи билан боғлиқ меъморий ва эпиграфик ёдгорликлар тадқиқ этилган. Эпиграфик маълумотлар орқали тариқат ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритилган. Мазкур мақолада XVIII-XIX асрларда Марказий Осиё нақшбандия-мужаддидия тариқатининг Сўфи Оллоҳёр ва Мусохонхожа Дахбедий тармоқларида фаолият олиб борган муршидлар ва бевосита улар билан боғлиқ меъморий иншоотлар ҳамда эпиграфик ёдгорликлардаги маълумотлар тадқиқ этилган. Шунингдек, нақшбандия-мужаддидия тариқати муршидларидан бири Камариддин Хузори ва Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа Самарқандий мақбаралари ҳамда улар дафн этилган қабристонда мавжуд қабр тошлардаги эпиграфик ёдгорликларда тариқатдаги фаолиятига доир қимматли маълумотлар тақдим этилган. Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа Самарқандийдан кейин нақшбандия-мужаддидия-дахбедия силсиласини Муҳаммад Амин хожа Дахбедий, Абдумалик хожа Ғазирагий, Эшони Валихон Ургутий ва Эшони Сўфи хожа каби шогирдлари давом эттиришган бўлса, унинг авлодларидан Мирмуҳаммад Насриддинхон, Мирмуҳаммад Файзуллоҳ Махзум, Мирмуҳаммад Сайид Ғани Махзум, мулло Муқаддас, Сайид Валихон, Эшони Султонхон каби ўз даврининг машҳур кишилари етишиб чиққан. Бу илмий янгиллик Мирмуҳаммад Иброҳим хожа қабри устига қурилган мақбара тарихи ҳамда унинг қабрига қўйилган қабр-тошдаги эпиграфик ёзувларда аниқланди. Шунингдек, нақшбандия-мужаддидия тариқати тарихига доир қўлёз-

ма манбаларда учрайдиган маълумотларни мақолада келтирилган эпиграфик манбалардан олинган. Мақолада эпиграфик маълумотлар қиёсий, тарихий-хронологик ва назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** *Марказий Осиё, нақшбандия-мужаддидия, меъморий, эпиграфика, Сўфи Оллоҳёр, Иброҳим хожа, мақбара.*

**Аннотация:** В данной статье исследуются архитектурные и эпиграфические памятники, связанные с историей тариқата Накшбандия-Муджаддидия в XVIII-XIX вв. С помощью эпиграфических данных была расширена база данных о тариқате. Кроме этого в статье исследуются сведения о муршидах, осуществлявших свою деятельность в рамках ответвлений “Суфи Аллахяр” и “Мусахонходжа Дахбеди” центральноазиатского тариқата Накшбандия-Муджаддидия в XVIII-XIX вв., а также сведения о непосредственно связанных с ними архитектурных сооружениях и эпиграфических памятниках. Также предоставлена ценная информация о деятельности муршидов тариқата Камариддина Хузари и Мавлоно Мирмуҳаммад Ибрагим Ходжа Самарқанди, а также об их мавзолеях и кладбищах, где они захоронены. После Мавлоно Мирмуҳаммад Ибрагима хожа Самарқанди цепочку Накшбандия-Муджаддидия-Дахбедия продолжили его ученики Муҳаммад Амин Ходжа Дахбедий, Абдумалик Ходжа Ғазирагий, Эшони Валихон Ургутий и Эшони Суфи Ходжа и другие. Из потомков Мавлоно Мирмуҳаммад Ибрагима Ходжа Самарқанди вышли такие известные люди своего времени, как Мирмуҳаммад Насриддинхон, Мирмуҳаммад Файзулло Махзум, Мирмуҳаммад Сайид Ғани Махзум, Мулло Муқаддас, Сайид Валихан, Эшони Султанхон. Научная новизна результатов исследования обоснована данными эпиграфических надписей на надгробно плите, установленной на могиле Мирмуҳаммад Ибрагима Ходжи. На основе указанных эпиграфических источников в статье также приведены цитаты и сведения об истории тариқата Накшбандия-Муджаддидия, не встречающиеся в рукописных источниках. При анализе данных сведений нами были использованы сравнительно-сопоставительный, историко-хронологический методы исследования.

**Ключевые слова:** *Центральная Азия, нақшбандия-муджаддидия, архитектура, эпиграфика, Суфи Аллахяр, Ибрагим Ходжа, мавзолей.*

**Abstract:** This article examines the architectural and epigraphic monuments associated with the history of the Naqshbandi-Mujaddidi tariqah in the 18th-19th centuries. Information about this tariqah is obtained based on epigraphic data. The article contains information about the murshids who carried out their activities within the “Sufi Allahyar” and “Musakhonkhodja Dahbedi” branches of the Central Asian Naqshbandi-Mujaddidi tariqah in the 18th-19th centuries, as well as information about architectural monuments and epigraphic inscriptions directly related to them.

It also provides valuable information about the activities of the murshids of the tariqah Qamariddin Khuzari and

Mavlono Mirmuhammad Ibrahim Khodja Samarqandi, as well as about their mausoleums and cemeteries. After Mavlono Mirmuhammad Ibrahim Khodja Samarqandi, the Naqshbandi-Mujaddidi-Dakhbedi chain was continued by his disciples Muhammad Amin Khodja Dahbedi, Abdumalik Khodja Gaziraghi, Eshoni Walikhon Urguti, and Eshoni Sufi Khodja, and others. From the descendants of Mavlono Mirmuhammad, Ibrahim Khodja Samarqandi came such famous people of their time as Mirmuhammad Nasriddinkhan, Mirmuhammad Fayzulla Mahzum, Mirmuhammad Sayyid Gani Mahzum, Mulla Muqaddas, Sayyid Valikhan, Eshoni Sultankhan.

The scientific novelty of the research results is substantiated by the data of epigraphic inscriptions on the tombstone installed on the grave of Mirmuhammad Ibrahim Khodja. Based on the indicated epigraphic sources, the article also contains quotations and information about the history of the Naqshbandi-Mujaddidi tariqah, which is not found in manuscript sources. In our work, we used comparative, historical, and chronological research methods.

**Keywords:** *Central Asia, Naqshbandi-Mujaddidi, architecture, epigraphy, Sufi Allahyar, Ibrahim Khodja, inscriptions, mausoleum.*

### КИРИШ

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда *Нақшбандия-мужаддидия* билан боғлиқ кўплаб тарихий аҳамиятга молик меъморий иншоотлар ва эпиграфик маълумотлар борки, уларнинг тарихини ёритиш ислом тарихи ва манбашунослигини ўрганишда муҳим ўрин тутди.

XVIII-XIX асрга келиб Бухоро, Қўқон ва Хоразмда ҳукмронлик қилган сулолалар даврида тариқат шайхларининг фаоллиги бирмунча сусайиб, илдизи Хожагон тариқатига бориб тақаладиган *Нақшбандия-мужаддидия* тариқати Марказий Осиёда кенг тарқала бошлайди. Бу оқимнинг мазкур ҳудудда етакчи тариқатга айланиши XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган тариқат пешволари шайх Наврўз, Сўфи Оллоҳёр, Ғойибназар Миёнколий, Муҳаммад Ислон шайх Каррухий, Муҳаммад Амин Даҳбедий, Муҳаммад Ҳусайн номи билан боғлиқ. Афсуски, уларнинг ҳаёти ва маънавий мероси, *Нақшбандия-мужаддидия* тариқатидаги фаолиятлари ханузгача алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида тўлиқ ўрганилмаган. *Нақшбандия-мужаддидия* тариқатига оид манбаларини ўрганиш ханузгача номаълум қатор ахлоқий, маънавий ва назарий масалаларни очиқлашга ёрдам беради.

### ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда *нақшбандия-мужаддидия* тариқати билан боғлиқ меъморий ва эпиграфик манбаларни аниқлаш ҳамда уларни тарихини ўрганишдан иборат.

### МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Мазкур мақолани ёзиш жараёнида Самарқанд ва Қашқадарё ҳудудларида жойлашган баъзи зиёратгоҳларда мавжуд мақбара ва қабр тошлардаги эпиграфикага оид манбалар ўрганилди. Тадқиқот жараёнида умумлаштириш, таққослаш, тизимлилиқ, қиёсий-тарихий, микротарихий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

### МУҲОКАМА

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда *Нақшбандия-мужаддидия* билан боғлиқ кўплаб тарихий аҳамиятга молик меъморий иншоотлар ва эпиграфикага оид кўплаб тарихий масканлар бўлиб, улардан бири Ҳузур (Ғузур) – Қашқадарё вилоятида жойлашган, тарихан бой ҳудудлардан саналиб, ривоятга кўра Ғузур шаҳрига шоҳ Афросиёб асос солган. VIII асрда бошларида Ҳузур қалъаси жуда мустаҳкам бўлган (*Ибн Ҳавқал, Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 216*). Ўрта асрларда Ғузур иқтисодий савдо алоқаларининг марказий шаҳарларидан бирига айланган. Бухоро амирлиги даври (1756-1920)да Ғузур маданий-маънавий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда етакчи шаҳарлардан бири бўлган (*Ханьков Н.В., СПб. 1843. – Стр. 79-80*).

Ғузурдан мазкур тариқат намояндлари етишиб чиққанлигига мисоллар кўп топилади. Улар билан алоқадор ёдгорликлар бу ердаги қадимий мазор ва қабристонлардан топилади. Ўз даврининг машойхларидан бўлган Азизи Ғузурий мақбараси Ғузур шаҳрида жойлашган «Мири Жанда» қабристони (Ушбу жой ҳозир «Мири Жанда» номи билан машҳур. Машҳур мутасаввуф олим Шаҳобиддин Сухравардий хирқа эгаси бўлгани боис, у дафн этилган қабристон аллома номига боғлиқ ҳолатда, «Мири Жанда», деб юритилган. Бу ҳақида батафсил қаранг: *Поён Равианов., 1995; Эргаш Даминов, 2010; Nematullo Mukhamedov, 2019, Gafurova Irodaxon, 2020*) дарвозасидан киришда чап томон-қабристон ичида жойлашган.

Бу борада мустақиллик даврига қадар олиб борилган тадқиқотларда маълумотлар учрамади. Жумладан, археолог олим Массон М.Е. олиб борган изланишида Ғузур ва унинг атрофларидаги қадимий тепаликлар қаторида мазкур зиёратгоҳдаги «Султон Али Қуржий»га тегишли қабр тош ҳақида сўз юритган бўлса-да (*Массон М.Е., 1967*), Азизи Ғузурий мақбараси ва қабр тоши ҳақида сўз юритилмаган. Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларда эса «Мири Жанда ота» зиёратгоҳи тарихи ёритилган (*Равианов П., 1995, Даминов Э., 2010, Нуриддинов Х., 2011, Уватов. У.,*

2016, *Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020)*, у ердаги қабр тошлар тадқиқ этилган (*Аминов Б.Б., 2017. – Сtp. 179-184*), аммо Азизи Ғузорий мақбараси ва қабр тоши ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Азизи Ғузорий ва унинг мақбараси ҳамда қабр тоши тўғрисида дастлаб шу сатрлар муаллифи томонидан эълон қилинган мақола ва рисолаларда (*Амонов М., Т.: 2016, Мирзо Меъроҷиддин, 2017*) баён этилган эди.

XVIII-XIX асрларда *Нақибандия-муҷаддидия* силсиласининг Сўфи Оллоҳёр тармоғида фаолият олиб борган Азизи Ғузорийнинг мақбараси (Қашқадарё вилояти Ғузур тумани марказидаги «Мири Жанда ота» зиёратгоҳида жойлашган) мўъжазгина пишиқ ғиштдан қурилган. Унинг баландлиги 6 м, тўрт томони квадрат шаклда, эни 4 м. Мақбаранинг юқори қисми, яъни гумбази тунука билан ёпилган. Мақбаранинг атрофида қабрлар мавжуд (*Амонов М., ТерДУ. 2016 29-30 январ, Амонов М. Т.: 2016. – Б. 126-128*). Янги мақбара ушбу авлод (Яраш Нуриллаев, Хусниддин ака, Ғулом ака ва Ражаб ака каби ахборотчилар билан суҳбат жараёнида ушбу авлод вакиллари халқ орасида катта обрў-эътиборли кишилар бўлганлиги аниқланди. Ҳозирги вақтда ушбу туманда Азизи Ғузорийнинг кўплаб авлодлари истиқомат қилишларига қарамай, Азизи Ғузорийга қадар бўлган аждодлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Бу мустабид тузум ушбу авлод вакиллари ҳам четлаб ўтмаганлигидан далолат беради. Ушбу авлод (вакиллари орасида Турдихон, у кишининг отаси Туробхон, бобоси Розикхон эканлиги аниқланди) вакили Ғулом Аъзамов томонидан қурилган. Эски мақбара лой (пахса)дан бино қилинган ва шу сабаб, асосан қор-у ёмғир ва шамол таъсирида анча нураб қолгани учун ўрнига янги мақбара қурилган.

Мақбара ичида умумий тарҳи 2x2,5, баландлиги 1,5 метр мрамор тош билан ўралган суфа шаклидаги қабр жойлашган. У халифа Қамариддиннинг даҳмасидир. Қабр устида оқ мрамордан тайёрланган қабртош бўлақлари қўйилган. Тош синган ва унинг оқибатида бешта турли бўлакка ажралган. Унинг деярли ярми йўқ. У халифа Қамариддин Ғузорийга тегишли бўлиб, тошнинг деярли ярми йўқолган, шундай бўлса-да қабртошдаги ёзувларни тиклашга ҳаракат қилдик. Битиклар асосан қабртош матнларини ёзиш учун қўлланиладиган сулс услубида тош сиртига ўйиб ёзилган. Аммо сулс хати таркибида насх услубига яқин унсурлар ҳам йўқ эмас.

Қабр тош матни.

الغائب  
روحه  
في  
القبور

«...آمد بهر مقصود میدادش اله  
بود و حق بود از وجودش کارگر.....  
ل عمر خویش اندر راه حق  
... آخر معقد .. قش مقر  
..تاد از دار الفنا  
..بقا اونا کهان رخت سفر  
اوستا ضیا

الغائب  
روحه  
في  
القبور

Қабртош матни форс-тожик тилида битилган марсия. Қабртошнинг айрим бўлақлари йўқлиги сабаб, унинг асл матнини тиклаш бир оз қийинчиликлар туғдирди. Аммо шунга қарамай қуйидаги варианти танланиб, унинг қисқача ўзбекча таржимаси шакллантирилди. Матннинг бошида: “*Ҳар бир мақсади учун унга берувчи Илоҳ*” сўзлари келган. Тошнинг алоҳида бўлағида “*ад-дин Хузур..*” сўзлари учрайди. Қабртош иккинчи қаторидаги матннинг боши йўқ ва тахминан ярмидан охирига қадар қисми сақланган ва унда қуйидаги жумлалар берилган: “*унинг вужудида (борлигида) Ҳақ учун заҳмат (меҳнат) [чекиш бор] (Бошқа бир фаразга кўра: “вужуди доимо Ҳақ ёди ила”*). Тошнинг алоҳида кичик бўлағида “*ад-дин Хузур*” сўзларидан кейин “*шайх ул-ислом шаҳид қутб...*” сўзлари сақланган ва у мазкур шахснинг (аслида манбаларга кўра устози) *шайх ул-ислом* эканлиги ва *шаҳид* кетганлигидан далолат беради. Қабртош асосий қисмининг 3 қаторидаги тўла сақланмаган матнда “*ўзининг умрини ҳақ йўлига бағишлади*” жумласи учрайди. 4,5,6 қаторда сақланиб қолган жумлалар шахснинг вафот этгандаги турар жойи, тупроғи, охириги маскани, маъқад (жойнишини), мақар(қароргоҳ)и ва дор ул-фанодан дор ул-бақога ногаҳон “*сафар либоси*” ҳақида маълумотлар учрайди. Қабртошнинг охирида ёзувларни тошга ўйган «Усто Зиё» исми келтирилган.

Қабртошнинг ўнг томонида “*Ҳотифий равзаъ муқаддас гуфт*», жумласи алоҳида рамка ичида юқоридан пастга қараб битилган. Шоир Ҳотифий (Ҳотифий – Ушбу таҳаллус билан ижод қилган шоирлар кўпчиликини ташкил қиладилар. Жумладан: Ислому шайх Каррухийнинг шоғирдларидан бири Олим хожа Қаршигий ҳам “*Ҳотиф*” таҳаллуси билан ижод қилган. Бу ҳақда қаранг: *Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зоъирин. 38-саҳифа*; Яна бирининг асл исми Абдунаби бўлиб, Хўжанд шаҳрида таваллуд топган. Сўфийлик илмидан бохабар бу шахс, Мирзо Қаландар Исфарагийнинг куёви эди. Бу ҳақда батафсил қаранг: *(Пўлотжон Қаюмов. – Б. 31-33)* томонидан айтилган ушбу сўз орқали биз

халифа Қамариддин вафоти санасини аниқлашимиз мумкин. «Равзаъ муқаддас» сўзидан абжод ҳисобида 1280/1863 йил ҳисоби чиқди. Бундан, халифа Қамариддин 1181/1767 йилда Ғузурда таваллуд топиб, салкам бир аср ҳаёт кечириб, 1280/1863 йилда Ғузурда вафот этганлиги маълум бўлади.

Ислом шайх Каррухийнинг яқин издошларидан бири Сайид Хожа (Сайидои) Каррухий қаламига мансуб “Ганжнома” асарининг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида инв. №4361 рақам остида сақланаётган нусхасининг 80<sup>а</sup> варағида “Ганжномаи Сайидо ба фармуаи халифа Қамариддин”, деб келтирилган. Бундан англашимиз мумкинки, Сайидо Каррухийнинг “Ганжнома” (Сайидои Каррухий) асарининг ушбу нусхаси бевосита халифа Қамариддин сўзи билан номаълум хаттот томонидан тасниф этилган.

### Самарқанд шаҳридаги «халифа Иброҳим» зиёратгоҳи

Маҳаллий аҳоли орасида «халифа Иброҳим» номи билан аталувчи ушбу зиёратгоҳ Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳимга бағишланган бўлиб, у Самарқанд шаҳридаги машҳур Абду Дарун мазори яқинида жойлашган. Мазкур зиёратгоҳ 2018 йилда таъмирланган ва атрофи ободонлаштирилган (Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини Ҳавзи сангин маҳалласида яшовчи хунарманд кулол Сирож Бобокалонов оиласида дунёга келган Султоной Бобокалонова амалга оширган). Катта дарвоза, унга ҳамоҳанг тарзда маҳобатли айвон ва қадимий иншоот давомидан ҳужралар барпо этилган. Зиёратчилар учун таҳоратхона, қироатхоналар ҳам иншоот этилган. Мазкур авлод вакиллари билан бири Баҳодирхон томонидан мақбара устки қисми темир тунока билан қопланган. Мазкур мақбара ва ҳужраларни афғон шахзодаси Сардор Муҳаммад Исҳоқхон томонидан 1300/1882 йилда (*Маҳжурий, 91<sup>а</sup> варақ*) бунёд этилган. Мақбаранинг ички ва ташқи қисмлари ҳам нозик дид билан таъмирланган. Ички қисмига арабий ёзувлар ва нақшлар билан безак берилган, ташқи қисми ҳам иншоотга мутаносиб тарзда ишланган.

Мақбара пишиқ ғиштдан мустаҳкам пойдевор устига иншоот этилган тўртбурчак шаклдаги иморат бўлиб, унинг баландлиги тахминан 6 м. Бинонинг гумбази олти ва саккиз қиррали елканли асос устига қурилган. Мақбара тўрт девори ва уни ҳар бирининг юқори қисмида деразалар жойлаштирилган. Мақбаранинг асосий кириш эшиги қибла (ғарб) томондан бўлиб, жануб томонида ҳам кириб-чиқиш учун эшик қўйилган. Шимол томонида эса дераза кўринишидаги ўйма нақшли панжара ўрнатилган. Шарқ томонида эса эшик ўрни билиниб турган бўлсада, маҳкам қилиб ёпиб ташланган. Мақбара

ичида Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа қабри жойлашган.

Мақбаранинг шимол томонида кейинчалик бўлса керак, ёнма-ён 7 та ҳужра барпо этилган. Бир-бирига монанд бу ҳужраларнинг эни 3,5 м, бўйи 2,5 м, Бугунги кунда фақат иккита ҳужра сақланиб қолган, холос. Иброҳим хожа қабрига ўрнатилган мармар қабр тош жуда чиройли услубда ишлов берилган.

**Ир-1.** (1,60x80 см.) (Дала тадқиқот материаллари. Самарқанд шаҳар. 25 декабр 2019 йил)

Қабр тош матни:

1	بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ -
2	يَا أَلَكْرِيمِ الْاَكْرَمِينَ
3	يَا إِلَهِي قَادِرًا بِرُودِكَ أَرِي أَنَسَ جَنِّ خَالِقِ أَرْضِ سَمَاءٍ هَمَّ مَكَانٍ هَمَّ مَكِينٍ
4	جَمَلُهُ كَرُو بَيَانٍ أَزْ لَطْفٍ تُوْ أَمِيدُوْارٍ تَاكُهُ سَازِي دَرِ دَمِ آخِرِ بَايْمَانِ هَمَّ قَرِينِ
5	مَقْتَدَاءِ مَهْتَدَائِيْشِ بُوْدِ مَوْلَانَا حُسَيْنِ مَسْلَكِ أَوْ مَسْلَكِ سُلْطَانِ بِيْهَوَالِحِقِ دِينِ
6	مَاهِ عَيْدِ لَعْلِ جَمْعِهِ رُوِي بَرِ مَدْفِنِ نِهَادِ أَهْوِ أَفْغَانِ شُدِ بَرُوْنِ أَزْ مِيْهْتَرِيْنِ كِهْتَرِيْنِ
7	أَسْمِ أَوْ أِبْرَاهِيْمِ أَسْتِ خَلِيْلِ اللَّهِ سَمِي هَسْتِ مَرْدُوْدَانِ أَوْ گُوِيَا جُوْ نَمْرُوْدِ لَعِيْنِ
8	أَوْ غَرِيْبِ رَحْمَتِ حَقِّ كَشْتِ شُدِ تَارِيْحِ أَوْ وِي بَرِفْتِ شُدِ غَرِيْبِ أِي سَائِلِ دَانَا بُوْبِيْنِ
9	مُتَوَفَاءِ آخِرِ فَرَزَنْدَانِ مَزْكُوْرِ مَلَا فَيْضِ اللَّهِ مَخْدُوْمِ ٦٩٢١

Таржимаси:

1. Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг расули Муҳаммад
2. «Инсу жинларнинг Парвардигорисан барча нарсага Қодир ё Илоҳ,  
Арзу самонинг Холиқисан мулк ва макон Сеники.
3. Охирги нафасгача иймон келтириш ва яқин қилишда сенинг лутфу-марҳаматингдан умедвор барча?
4. Ҳидоят топганларнинг муқтадоси Мавлоно Ҳусайн эди,  
Унинг маслаки-йўли Султон Баҳоуддин сулуки эди.
5. Ийд оии жума кечаси мадфун бўлди,  
Бу улуг зот ўтганидан кейин оху фиғон бўлди.
6. Ҳалилуллои Сомийдек эди исми унинг Иброҳим,  
Гўё у лаънатланган Намрудни енгани каби.
7. Унинг тарихи Ҳақнинг ғариқи раҳматига етди, Эй соили доно назар сол у кетдию бўлди ғарик».
8. Вафот этган (Иброҳим) хожанинг ўгли мулло Файзуллоҳ Маҳзум.  
Қабртош охирида хижрий 1296/1878 йил санаси кўрсатилган.

Аммо мазкур қабр тошда ва Мавлоно Нуриддин ибн Олим Махжурий Самарқандий сўзларига қараганда «Ғарик-غریق» сўзидан  $1000 + 200 - 100 = 1300$  сони, яъни 1300/1882 йил ҳосил бўлади.

Демак юқорида кўриб ўтганимиздек, Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа Самарқандий 1296/1878 йилда «Ийд ойининг жума оқшомида» (*Махжурий, 91<sup>a</sup> варақ*) вафот этганлиги ва унинг қабри устидаги мақбара 1300/1882 йилда барпо этил (ҳамда қабр тош қўйил)ганлиги маълум бўлмоқда.

Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа мақбарасининг шарқ ва жануб томонидаги мазорда унинг авлодлари ҳамда Афғон амири хонадони вакиллари ҳам дафн этилганлиги у ерда қўйилган қабр тошлардан маълум бўлди.

**Си-1.** (50x94 см.)

1	بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
2	لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ
3	هَذَا مَضْجِعُ مَبْرُورِ مَرْحُومِ أَمِيرِ مُحَمَّدِ اسْحَاقْخَانَ بْنِ خَلْدِي
4	أَشْيَانِي أَمِيرِ اعْظَمِ خَانَ ابْنِ جَنَّتِ مَكَانِي أَمِيرِ كَبِيرِ أَمِيرِ
5	دُوسْتِ مُحَمَّدِخَانَ أَمِيرِ أَفْغَانِسْتَانَ طَيْبِ اللَّهِ تَرَاهُمْ وَجَعَلَ الْجَنَّةَ
6	مَثْوَاهُمْ دَرِيَسْتِ يَكْ زَ مَاهِ رَبِيعِ دَوْمِ نَمُودِ عَزَمِ جَنَانَ زَ بَهْرِ مَلَاقَاتِي حُورِيَانِ
7	پَر سِيدِمِ اَزِ خَرِ دَلِي تَارِيخِ نَكْتِه هَاتَفِ نَدَا كَشِيدِ كِه اَيْنِ اِبْخُونِ
8	۷۲۳۱

Таржимаси:

1.»Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ,

2. Унинг расули Муҳаммад.

3. Бу оромгоҳ марҳум мабрур Амир Муҳаммад Исҳоқхон ибн хулд

4. ошиёни (ўзига жаннатни маскан қилган) Амир Муҳаммад Аъзамхон жаннат макони Амири кабир ўғли

5,6. Афғонистон амири Дўст Муҳаммадхон эди. Аллоҳ уларнинг [ётган] тупроғини муаттар қилсин ва [ётган] жойларини жаннат қилсин.

6.У раби' ас-сони (рабиъи дуввум) ойининг 21 куни, жаннатларга [отланиб] хурлар билан мулоқот қилишга азму қарор қилди.

7. Тарихнинг қаъридаги ёриқдан покиза сўз сўрадим, нидо қилувчи (овоза қилувчи) “мағфуро” (эй авф этилган банда) бунни ўқи! деб нидо қилди.

8.1327».

Ушбу қабр Амир Муҳаммад Исҳоқхон Амир Муҳаммад Аъзамхоннинг ўғли, унинг бобоси Афғонистон ҳукмдори Амир Дўст Муҳаммадхон эканлиги айтилиб, унинг вафоти хижрий-қамарий йил ҳисобига кўра, яъни абжад ҳисобида кўрсак «1327 = 1-200 - 6-80, Ғ-1000, 40-м - «مغفورا» қабр тошда кўрсатилган санага тўғри келади.

## НАТИЖА

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда *Нақибандия-мужаддидия* тариқати муршиди Халифа Қамариддин (1181/1767-1280/1863) Ғузорда яшаб, шу ерда вафот этганлиги, Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа Самарқандий 1296/1878 йилда йилда вафот этганидан сўнг, унинг қабри устига Амир Муҳаммад Исҳоқхон томонидан 1300/1882 йилда мақбара барпо этилганлиги ва Муҳаммад Исҳоқхон ўз оиласи билан бир неча йиллар (*Амир Абдурахмонхон (1880-1901) Муҳаммад Афзалхон ўғли бобоси Дўст Муҳаммад вафот этган (1863) йилларда Самарқандга келган ва у билан бирга сардор Исҳоқхон ҳам бўлган. Улар Амир Абдурахмонхоннинг ҳукмронлиги бошлангун (1880 йил)га қадар шу ерда бўлишган. Айни вақтда Амир Абдурахмонхон ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, ўзининг амакиси Муҳаммад Аъзамхоннинг ўғли бўлмиш Муҳаммад Исҳоқхон амакиваччаси ҳукмронлигини тан олмагач, қаттиқ тазйиқ натижаси сабаб бўлса керак, Муҳаммад Исҳоқхон Ҳирот-Балх шаҳарлари орқали Самарқандга қайтиб келишига мажбур бўлган. Бу ерда унга иззат икром кўрсатилиб, ҳозирги Хожса Абду Дарун, Хожса Аҳрори Вали ва Хожса Авлиё зиёратгоҳлари атрофидан жой берилганлиги ойдинлашди*) шу ерда яшаб, Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳим хожа хонақоҳида ҳамда унинг таълим-тарбиясида бўлганлиги, 1908 йилда вафот этганлиги тарихий манбалардан маълум бўлди. Шунингдек, бу воқеалар тарихига бағишланган Мавлоно Нуриддин Махжурийнинг «Тазкираи олимони Самарқанд» номли қўлёзма асари ҳам илк бора тадқиқотга жалб этилди.

## ХУЛОСА

Мазкур меъморий иншоотлар ва эпитафик маълумотлар орқали нақшбандия-мужаддидия силсиласининг икки тармоғи, яъни Сўфи Оллоҳёр ва Мусохон Дахбедий тармоқларида фаолият олиб борган Азизи (Қамариддин) Ғузорий ва Иброҳим хожа Самарқандий каби етук муршидлар қабри манбалар асосида аниқланди, мақбараси қа уларнинг қабрига қўйилган қабр тошлардаги эпитафик маълумотлар, бир қатор қўлёзма манбаларда учрамайдиган маълумотларни тўлдириб, нақшбандия-мужаддидия тариқати намояндларининг ҳаёт ва фаолиятига доир қимматли маълумотларни олишга муваффақ бўлдик.

Умуман олганда бу каби тарихий иншоотлар ва эпитафик маълумотларда акс этган ўтмиш воқеликлари, ўша давр ижтимоий муҳити ва тариқат фаолиятини ўзида мужассам этган маданий меросларимиздан бири саналади. Келгусида бу

каби тарихий масканлар ютимизда зиёрат туризми учун янги йўналишларни белгилашда муҳим ўрин эгаллайди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзо Жунайдуллоҳ Ҳозик. Куллиёт. Қўлэзма, настаълик, форс тилида ёзилган. ЎЗР ФА ШИ қўлэзмалар фонди инв. № 3021.
2. Мавлоно Нуриддин Махжурий Самарқандий. Тазкираи олимони Самарқанд. Қўлэзма. Тожиқча. Самарқанд Давлат музейи қўлэзмалар фонди инв. №5653/2.
3. Ибн Ҳавқал. Китоб суратул ард (Ернинг сурати китоби). Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Камолитдин Ш.С. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2011.
4. Муҳаммад Ҳайдар. Силсилаи шариф. Қўлэзма, настаълик, форс тилида. 1299/1881. Муаллиф шахсий кутубхонасида.
5. Носириддин Бухорий. Тухфат уз-зойирин. Тошбосма. Бухоро. 1328/1909.
6. Сайидои Каррухий. Ганжнома. ЎЗР ФА ШИ қўлэзмалар фонди инв. №7029/II, 11308/VI.
7. Массон М.Е. Работи Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ КАТЭ по изучению восточной половины Кашкардинской области Уз ССР. 1967. ЎЗР МДА Р-2773. 1. 122
8. Аминов Б.Б. Надгробные надписи святых Мир-и Джанди Ата (Гузарский район Кашкардинской области Республики Узбекистан). Журнал Археология Евразийских степей. Татарстан. 2017. №6.
9. Амонов М. Азизи Ғузорий. Ёш Шарқшуносларнинг Академик Убайдулла Каримов номидаги XIII илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент. 2016.
10. Амонов М. Азизи Ғузорий. Ёш олимлар Республика илмий-амалий конференцияси. ТерДУ. 29-30 январь 2016 йил.
11. Вяткин В. Справочная книжка Самаркандской области. Самарканд. 1902.
12. Даминов Э. Шаҳобуддин Умар Сухравардий (Мири Жанда ота). Т.: Мовароуннахр, 2010.
13. Камолзода С.Иброҳимхожа ки буд? – «Овози тожиқ» газетаси. 15.10.2003.
14. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: Мовароуннахр, 2009.
15. Мирзо Меъроҷиддин (Амонов М). Сўфи Оллоҳёр ва Исломи шайх тарихи. Т.: Mashhur-press, 2017.
16. Mukhamedov Nematullo (2019) "The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent"// Multidisciplinary scientific journal "Arhivarius" collection of scientific publications. -pp.7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.
17. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371>
18. Нуриддинов Х. Ғузорнома. Т.: Янги нашр, 2011.
19. Пўлотжон Қаямов. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. Т.: Тамаддун, 2011.
20. Равшанов. Қашқадарё тарихи. Т.: Фан, 1995.
21. 7. Raziya B. Matibayeva, Zohidjon Islomov (2020) «RELATIONSHIP OF RELIGION AND TRADITION IN CENTRAL ASIA». International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal, Vol 09 Issue 12, Dec 2020, ISSN 2456-5083, P.92-96.
22. Салоҳий Д., Муҳаммадиев А. Мавлоно Мир Муҳаммад Иброҳим мақбараси. «Нақшбандийа» журнали, 2013. 2(11).
23. Уватов. У. Буюк алломалар. Т.: Ўзбекистон, 2016.
24. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб. 1843.
25. Gafurova, Irodaxon (2020) «ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN,» The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss3/7>
26. Дала тадқиқот материаллари. Лангар ота зиёратгоҳи. Фарғона вилояти Қўштепа тумани. Ахборотчи. Ғофуржон ака (58 ёшда). 15-16.07.2016.
27. Дала тадқиқот материаллари. Халифа Иброҳим хожа зиёратгоҳи. Ахборотчи Саида Қаямова. Самарқанд шаҳар. 25.12.2019.

### LIST OF SOURCES AND REFERENCES USED

1. Mirza Junaydullah Haziq. Kulliyot. Manuscript, nasta'liq, written in Persian. Manuscript fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhon Beruni of the Republic of Uzbekistan. inv. № 3021.
2. Mavloni Nuriddin Mahjuri Samarkandiy. Tazkirai olimoni Samarkand. Manuscript. Tajik. Manuscript Fund of the State Museum of the History of Culture of Uzbekistan in Samarkand region. inv. №5653/2.
3. Ibn Hawqal. Kitob surat al-ard. Author of translations and commentaries from Arabic, Doctor of Historical Sciences, Professor Kamoliddin Sh.S. T.: O`zbekiston milliy ensiklopediyasi, Davlat ilmiy nashriyoti, 2011.
4. Muhammad Haydar. Silsilai sharif. Manuscript, nasta'liq, in persian. 1299/1881. In the author's personal library.
5. Nosiriddin Bukhari. Tuhfat uz-zoyirin. Toshbosma. Buxoro. 1328/1909.
6. Sayidoi Karruxiy. Ganjnoma. Manuscript fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhon Beruni of the Republic of Uzbekistan. inv. №7029/II, 11308/VI.
7. Masson M.E. Raboti Keshskoy archeologo-topograficheskoy ekspeditsii ToshGU KATE po izucheniyu vostochnoy polovina Kashkarinskoy oblasti Uz SSR. 1967. National Archive Fund of the Republic of Uzbekistan. R-2773. 1. 122.
8. Aminov B.B. Nadgrobnye nadpisi svyatyni Mir-i Djandi Ata (Guzarskiy rayon Kashkarinskoy oblasti

- Respublika Uzbekistan). Journal of Archeology Eurasian steppes. Tatarstan. 2017. №6.
9. Amonov M. Azizi G`uzoriy. Yosh Sharqsunoslarning Akademik Ubaydulla Karimov nomidagi XIII ilmiy-amaliy konferensiya tezislari. Toshkent. 2016.
  10. Amonov M. Azizi G`uzoriy. Yosh olimlar Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to`plami. TerDU. 29-30 yanvar 2016 yil.
  11. Vyatkin V. Spravochnaya knijka Samarkandskoy oblasti. Samarkand. 1902.
  12. Daminov E. Shahobiddin Umar Suhravardiy (Miri Janda ota). T.: Movarounnahr, 2010.
  13. Kamolzoda S. Ibrohimhoja ki bud?. Ovozi tojik gazetasi. 15.10.2003.
  14. Komilov N. Tasavvuf. T.: Movarounnahr, 2009.
  15. Mirzo Me`rojiddin (Amonov M.). Sufi Ollyhyor va Islom shayx tarixi. T.: Mashhur-press, 2017.
  16. Mukhamedov Nematullo. (2019) "The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent"// Multidisciplinary scientific journal "Arhivarius" collection of scientific publications. -pp.7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.
  17. Mukhamedov Nematullo Asatullaevich. (2020). HUMANIST IDEAS IN WORK MEDIEVAL SCIENTISTS OF THE OASIS OF TASHKENT. Archive of Conferences, 9(1), 205-208. Retrieved from <https://conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/371>
  18. Nuriddinov H. G`uzornoma. T.: Yangi nashr, 2011.
  19. Po`lotjon Qayumov. Xo`qand tarixi va uning adabiyoti. T.: Tamaddun, 2011.
  20. Poyon Ravshanov. Qashqadaryo tarixi. T.: Fan, 1995.
  21. Raziya B. Matibayeva, Zohidjon Islomov (2020) «RELATIONSHIP OF RELIGION AND TRADITION IN CENTRAL ASIA». International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal, Vol 09 Issue 12, Dec 2020, ISSN 2456-5083, P.92-96.
  22. Salohiy D., Muhammadiyev A. Mavlono Mir Muhammad Ibrohim maqbarasi. "Naqshbandiya" jurnali. 2013. 2(11).
  23. Uvatov U. Buyuk yurt allomalari. T.: O`zbekiston, 2016.
  24. Xanikov N.V. Opisaniye Buxarskogo xanstva. SPb. 1843.
  25. Gafurova, Irodaxon (2020) "ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/ijau/vol2020/iss3/7>
  26. Field research materials. Langar ota ziyoratgohi. Farg`ona viloyati Qo`sh tepa tumani. Axborotchi. Go`furjon (58 yoshda). 15-16.07.2016.
  27. Field research materials. Xalifa Ibrohim xoja ziyoratgohi. Axborotchi Saida Qayumova. Samarqand shahar. 25.12.2019.

